



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Қоракўл тумани

2023 йил 23 март

4-2004-2301/200-сонли иш

Қоракўл туманлараро иқтисодий судининг судьяси Н.Зоировнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Турсунов котиблигида, аризагининг вакили [REDACTED] (2023 йил 23 мартдаги 23-33782-сонли ишончнома асосида) иштирокида (жавобгар вакили суд мажлисига иштирок этмади) аризага АААнинг жавобгар "БББ" фермер хўжалигининг банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги аризаси юзасидан қўзғатилган ишни Қоракўл туманлараро иқтисодий суди биносидан очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

"БББ" фермер хўжалиги (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) АААга (бундан буён матнда ДСИ деб юритилади) 2023 йил учун Юридик шасхлар Ер солиғи ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексидан белгиланган муддатда тақдим этмаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 111-моддаси 1-қисмига асосан ДСИ томонидан жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Жавобгарга солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатларда тақдим этиш ва банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши тўғрисида 2023 йил 10 февралда унинг шахсий кабинетига электрон шаклда хабарнома юборилган. Бироқ жавобгар томонидан ҳисоботлар тақдим этилмаган.

Шу сабабли ДСИ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддаси биринчи қисмига мувофиқ аризага судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйишни сўраган.

Суд мажлисида аризага вакили аризани тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгар бугунги кунга қадар ҳисоботларни тақдим этмаганлигини, бу ҳақда маълумотнома тақдим этишини маълум қилди.

Жавобгар тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсада, суд мажлисида иштирок этмади, даъво аризаси юзасидан фикр билдирмади. Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128, 170-моддасини қўллаб, ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд тараф вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра аризани тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, 2023 йил 06 март кунига қадарда АААга 2023 йил учун юридик шасхлар Ер солиғи бўйича ҳисоботлар тақдим этилмаганлиги сабабли жавобгар - "БББ" фермер хўжалигининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялари тўхтатилган ва жавобгарнинг шахсий кабинетига бу ҳақда электрон шаклда хабарнома жўнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 111-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин.

АААнинг 2023 йил 10 февралда жавобгар - "БББ" фермер хўжалиги банклардаги ҳисобварақлари бўйича операциялари тўхтатилиб қўйилиши тўғрисида қарор қабул қилинган ва электрон шахсий кабинетига юборилган.

Аризачи томонидан тақдим этилган 2023 йил 23 мартдаги маълумотномага кўра, жавобгар тегишли солиқ ҳисоботни солиқ органига тақдим этмаган.

Суд юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, аризани тўлиқ қаноатлантиришни, Ўзбекистон Республикаси "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунининг 9-моддасига мувофиқ, аризачи ва жавобгар ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинганлигини инобатга олиб, жавобгардан давлат божи ундирмасликни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 176-179, 186, 222-моддаларини қўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. АААнинг аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.
2. "БББ" фермер хўжалигининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операциялари (бюджетга тўловлар, иш хақи, нафақалар, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида соғлиқ ва ҳаётга етказилган зарарни қоплаш учун тўлаб бериладиган маблағлар бундан мустасно) чиқиш қисми солиқ ҳисоботлари тақдим этилгунига қадар тўхтатиб қўйилсин.
3. "БББ" фермер хўжалигига хизмат кўрсатувчи барча банклар ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолат тўлиқ бартараф этилгандан сўнг ААА томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатма (қарор)га асосан ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Ҳал қилув қарори устидан ўн кунлик муддатда апелляция тартибида шикоят бериш мумкин.

Судья

Н.Зоиров

